Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 21 май • сешанба № 20 (860)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Ислом КАРИМОВ:

"...Тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор".

Тинчлик — буюк неъмат

"Осмондан тушдими оқ атиргулдай, Оппоқ лайлакларим фаришта бўлиб!"

Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамида ОАВ вакиллари билан қилган суҳбатидан кейинги ўйлар

МУСТАҚИЛЛИК майдонидаги Эзгулик аркаси, пойтахтимизнинг "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи пештоқидаги ЛАЙЛАКЛАР мамлакатимизда ТИНЧЛИК ва ОСОЙИШТАЛИК рамзи сифатида юртдошларимиз қалбига фахр ва ғурур бахш этмоқда.

Огоҳлик кўнгироғи

ҲАДЕМАЙ халқимиз мустақиллигимизнинг 22 йиллигини нишонлайди. 22 йил кўҳна тарих олдида киприк қоқулик вақт. Ана шу давр оралиғида юртимизда қалбимизга ғурур ва фахр бағишлайдиган ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилди. Айниқса, иқтисодиёт, маънавият, спорт ва бошқа соҳадаги ютуқларимизни дунё эътироф этмоқда. Ютуқларимизнинг туб илдизи Юртбошимизнинг одил сиёсати, давлатимиз ўз танлаган йўлидан оғишмай дадил одимлаётганида. Бу ютуқларнинг яна бир муҳим омили мамлакатимизда ҳукм сураётган **тинчлик ва осойишталик**да эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак. Тинчлик ҳукм сурган диёрда боғ-роғлар барпо этилади, тўю тантаналар бўлади. Одамлар уйлар қуради. Авлодларга мерос қолгулик катта иншоотлар бунёд этилади.

— **Аввало, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларни барчасининг негизи — юртимизда ТИНЧ ва ОСУДА ҳаёт, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимизда**, — деди Президентимиз Ислом Каримов Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда.

"Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференцияда қатнашган Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Франсуа Готье шундай дейди:

— Ўзбекистон вилоятларига сафарим чоғида қишлоқларда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига ўзим амин бўлдим. Бунёд этилган уй-жойлар жуда чиройли, замонавий қиёфа касб этгани ҳолда барча халқаро меъёрларга жавоб беради. Французларда шундай мақол бор: агар одамлар қурилиш қилаётган экан, демак ҳаммаси жойида.

Ҳаммаси жойида бўлиши учун эса мамлакатда **тинчлик** ва **барқарорлик** бўлмоғи керак.

2

ТДЮИда давра суҳбати

Юридик таълим тизимидаги юксак сифат ва самара

бу борадаги муваффақият ва такомиллашувни таъминлайди

ТДЮИда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Юридик кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилашнинг долзарб масалалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Қонунчилик палатаси депутатлари, юртимиздаги олий ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ихтисослаштирилган ўқув муассасалари олимлари, мутахассислари ва ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда юридик таълимни янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш масалалари хусусида сўз юритилди. Қуйида давра суҳбати иштирокчилари фикрлари билан танишасиз.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, ТДЮИ ректори, юридик фанлар доктори, профессор:

— Ўзбекистон ўзининг давлат суверенитетига эга бўлган пайтдан бошлаб, мамлакатда қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги каби принципларга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган туб ислоҳотлар ва ўзгартишларнинг таркибий қисми сифатида кадрлар тайёрлаш сиёсатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлашга қодир бўлган юридик таълим тизими барпо этилди.

Айни вақтда юридик кадрларни тайёрлаш миллий тажрибаси, юридик таълим соҳасида амал қилаётган давлат таълим стандартлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини аниқловчи мезонлар, ўқув дастурлари, илмий-методик адабиётлар, қўлланмалар янада такомиллаштирилишига эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони юридик кадрлар тайёрлаш ишларининг такомиллашувига таъсир ўтказиши табиий.

Юридик таълимнинг такомиллаштирилиши эса юридик кадрларни тайёрлашда таълимнинг замонавий воситалари ва методларини ислоҳ қилишни, ўқув жараёнининг амалиёт билан бевосита боғлиқлигини талаб этади. Шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш — ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш мезонларидан биридир. Бу соҳада ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, айрим жиҳатларини бизда ҳам қўллаш фойдали, деб ўйлайман.

3

Янги қонун кучга кирди

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА

фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг роли кучайтирилди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда икки палатали парламентнинг ташкил этилгани қонун ижодкорлиги сифатини ошириб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишда муҳим аҳамият касб этаётир.

АЙНИ ПАЙТДА миллий парламент фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, парламент ва давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"**ги Конституциявий қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ролини янада оширди. Ушбу Қонун билан жорий қилинган ҳуқуқий механизмлар туфайли Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари фаолияти янада ривожланди, фракцияларо соғлом рақобат муҳити кучайди. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида уларнинг иштироки сезиларли равишда ошди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, иштирокини янада кенгайтириш ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу асосда бугунги кунда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ва бу жараёнда сиёсий партиялар фракцияларининг ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш, бунинг учун масъул қўмитани белгилаш, уларни муҳокамага тайёрлаш ва қонун лойиҳалари муҳокамасининг барча босқичида фракцияларнинг (депутатлик гуруҳларининг) иштирокини таъминловчи ҳуқуқий нормалар янада такомиллаштирилаётир.

Юртбошимиз томонидан шу йил 18 апрелда имзоланган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси тарзида тайёрланган мазкур ҳужжат қонун лойиҳаларини муҳокама этиш ва қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнида фракцияларнинг (депутатлик гуруҳларининг) иштирокини таъминловчи аниқ процессуал механизмларни яратди.

Маълумки, 2003 йил 29 августда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"**ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, асосий принциплари, ташкилий шакли каби муҳим меъёрларни қамраган. Қонунчилик палатаси Кенгаши, уни ташкил этиш ва фаолият йўналишлари белгиланган. Унга кўра, мазкур Кенгаш Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида тузилади. Унинг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари киради. Кенгашга Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлик қилади.

Қабул қилинган янги Қонун билан ушбу жараён янада такомиллаштирилди. Эндиликда Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилади. Ушбу гуруҳ Қонунчилик палатаси девони ходимлари орасидан танлаб олинади ва уч кишидан иборат бўлади. Гуруҳ келган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини рўйхатдан ўтказади ва Кенгаш аъзоларини бу ҳақда хабардор қилади.

Кенгаш Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб, қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмитани белгилайди. Қўмитага, бир вақтнинг ўзида фракцияларга (депутатлар гуруҳларига) қонун лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган материалларни топширади.

Масъул қўмита ва фракциялар қонун лойиҳаси устида баравар ишлайди. Масъул қўмита фракцияларнинг фикрлари ва таклифларисиз ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Масъул қўмита қонун лойиҳаси бўйича барча фракциялардан фикрлар ва таклифларни тўплаб, Қонунчилик палатаси Кенгашига қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқишда уни қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги, шунингдек, қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинади. Бунда маърузачи биринчи ва кейинги ўқишларда фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиши шарт.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини мажбурий тартибда белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёхуд рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган фикрлар ва таклифларни умумлаштиради. Асосли, деб топилган таклифлар қонун лойиҳаси матнига киритилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул қўмита томонидан маъқулланган таклифлар ҳам, маъқулланмаган фикрлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Хулоса қилиб айтанда, янги қонун фракцияларнинг (депутатлик гуруҳларининг) қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада фаоллаштириш, қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида палата томонидан қабул қилинадиган қарорларга уларнинг таъсир кўрсатиш имкониятини оширишга хизмат қилади. Муҳими, сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатлари ва сайловчилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши ва ҳимоя қилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари (ЎзА)

"INSON va QONUN" ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг! Обуна индекси – 137. website: minjust.uz e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH" ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг! Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг! Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрига обуна бўлинг! Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади. e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33

"Осмондан тушдими оқ атиргулдай, Оппоқ лайлакларим фаришта бўлиб!"

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш энг муҳим масала ҳисобланади. Юқорида номи тилга олинган халқаро анжуманга ташриф буюрган 60 дан зиёд мамлакат ва халқаро минтақавий ташкилотлардан келган 250 нафардан зиёд вакиллар ҳам буни эътироф этишди. Ота-боболаримиз айтганидек, **тинч** ва **осойишта** уйга меҳмонлар келади. Эшиги очиқ бағрикенг оиланинг уйига қалдирғочлар ин қуради. **Тинч** — юртда қут-барака, бунёдкорлик ишлари бўлади.

Лайлакларинг омон бўлсин, она юртим

Кўҳна тарих гувоҳ, дунё яралибдики, у ёки бу бурчагида қонли урушлар бўлиб турган. Уруш ҳамиша бегуноҳ болалар, аёллар ва қариялар бошига оғир кулфатлар солиб келган. Уруш ўз номи билан уруш. Унда одамзотга шафқат бўлмайди. Бугунги кунда Миср, Сурия, Афғонистон ва Ироқда нотинчлик. Дунёда уруш ўз-ўзидан бўлмайди. Катта манфаатлар "тўқнашганда" олов чиқади.

Президентимиз ҳар доим Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган уруш бизнинг ҳудудимизда, бутун Марказий Осиё минтақасида **тинчлик** ва **барқарорликка** энг катта хавф-хатар эканлигини алоҳида таъкидлайди.

* * *

— Биз Афғонистонга яқин чегара ҳудудида яшаймиз, — дейди сурхондарёлик кўшним Саҳобиддин аканинг укаси Соҳиб ака. — Бизнинг ҳудудга ўтган лайлаклар кўшни юртга қайтмайди. Хавф-хатарни сезади шекилли. Энг асосийси, улар тинч жойда бола очиб кўпаяди.

Бир куни Бойсун тоғидан келаётиб, оёғи синган лайлак боласини кўриб қолиб, уйга олиб келдим. Даволадим. Ҳозирда товуқ ва ғозлар билан тезда "ошно" бўлиб кетди. Кечқурун оиламиз билан сўрида суҳбатлашиб ўтиргандик. Ҳовлида юрган лайлак бирдан безовталаниб қанотларини қоққанича томорқа томон югуриб кетди. Биз ҳам унинг орқасидан бордик. Не кўз билан кўрайликки, томорқа томондан уйга келаётган илон бошсиз эди. Лайлак илоннинг бошини мажақлабди.

Лайлак — одамнинг дўсти. От ва балиқ ер силкинишини олдиндан сезганидек, лайлак ҳам хавф-хатарни олдиндан сезадиган қуш. Улар бир марта бўлса-да, ўқ овози эшитилган жойга қайтиб бормайди.

Турналар тунда учади. Нега?

— Турналар ҳам шундай. Дунёнинг нариги томонидан учиб келган турналар Амударёнинг биз томондаги қирғоқларидаги қамишзорларда "дам" олгач, ярим тунда кўкка тик кўтарилиб, овоз чиқармасдан булутлар орасига кириб кетади, — дейди Соҳиб ака сўзида давом этиб. — Афғонистон ҳудуди орқали бошқа давлатларга учиб ўтади. Мен бунга тунда овга чиққанимда кўп гувоҳ бўлганман. Сабаби, бу турналар Афғонистон ҳудудидан учиб ўтаётганда қачондир ўқ овозини эшитган. Қолаверса, турналар ҳам хавф-хатарни олдиндан сезадиган қуш. Эътибор берган бўлсангиз, турналар арғимчоқ солиб учишади. Ота турналар йўл бошловчи бўлади. Хавф-хатарни сезса, овоз чиқариб ортидагиларни огоҳлантиради. Сабаби, овчилар уларга ўқ отганда биттаси ноёб бўлади. Қолганлари омон қолади. Шунинг учун улар тўп-тўп бўлиб учмайди.

Тинчлик тимсоли

Дунёда 200 дан ортиқ давлат бор. Унда мингдан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Ҳар бир халқнинг тинчлик рамзлари бор. Қайсидир давлат рамзи йўлбарс бўлса, яна бошқа давлат бургутни ёки кийикни ўзларининг рамзлари сифатида қабул қилишган. Бизнинг давлат гербимизда бахт келтирувчи **ҳумо** қуши акс этган. Юртимизда ҳумо қуши қатори лайлаклар ва турналар ҳам бахт ва омад қуши сифатида эъзозланади. Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасида ва пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи пештоқидаги лайлаклар ҳам неча йилларки юртимизда **тинчлик** ва **осойишталик** рамзи сифатида салобат ва кўрк тўкиб турибди. Эндиликда юксак парвозга шайланаётган оппоқ турналар ҳам она Ўзбекистонимизда юксакларни кўзлаб буюк ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Мустақиллик майдони қурилаётганда **"Оппоқ лайлаклар бир оёқда турган ҳолда ифода этилиши лозим,** — деган эди давлатимиз раҳбари, — **мен уларни кўп кузатганман, қачонки, лайлак ўзига ва бехавотир жойда эканига қаттиқ ишонса, бир оёқда тин олади".**

Бош майдонимиздаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи мангуликка дахлдор "ҳайкал"лар.

ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Ханс дъОрвил:

— Шарқнинг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланган Тошкентда барпо этилган халқаро анжуманлар саройини кўриб ҳайратга тушдим. Ҳайратимнинг сабаби бор. Мен дунёнинг кўп шаҳарларини кўрганман, кўп-кўп меъморий обидаларни томоша қилганман. Лекин шу пайтгача бундай мумтоз меъморий ансамблни учратган эмасман. Маълумки, ҳозир жаҳон меъморчилигида баланд ва осмонўпар бинолар барпо этиш русумга кирган. Ҳатто меъморлар: "Ер юзидаги энг баланд бинони мен қураман!" — дея зимдан рақобат қилишади. Ўзбекистонлик архитекторлар эса Шарқнинг қадим меъморчилиги ва замонавий анъаналарини ўзаро уйғунлаштириб, жаҳон меъморчилигида бутунлай янгилик бўлган гўзаллик намунасини яратишган. Бу эса, барча меъморлар учун ибрат бўлишига шубҳа қилмайман. Шунинг учун бу юрт бунёдкорлари даҳоси олдида бош эгаман...

Бу гўзал бинонинг пештоқида ҳам бир жуфт лайлак **тинчлик** ва **осойишталик** рамзи сифатида парвозга шайланиб турибди.

Севимли халқ шоири **Иқбол МИРЗО** ўзининг "Лайлаклар" шеърида шундай деб ёзади:

Элимда эзгулик тимсоли бўлиб,
Олтин уруғларни сочган қуш ўша.
Қора булутларни чақмоқдек бўлиб,
Оғу лойқасини ичган қуш ўша.

Иймоним комилдир, ҳар битта патдан
Қутлуғ ерда ўсар кумуш тераклар.
Қаранг, шундоқ Ҳасти Имомдан пастда
Юрар оқ яктакли мўйин лайлаклар.

Дуода тинчликни сўрар ёш-қари,
Шоқоллар омондир ҳамон барибир.
Бир оёқлаб турса — ёвузлик сари
Камони Чочийнинг пайконларидир!

Тошкент тонгларида бор ажиб афсун,
Кўрганлар, албатта, келишар қайтиб.
Қаранг, файзли юртда сизу мен учун
Лайлаклар юрибди шукрона айтиб!

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Меморандум:

Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳамкорлиги

Юрт равнақи ва жамият тараққиёти

фермерлик ҳаракати ва тадбиркорлик фаолияти ривожига ҳар жиҳатдан боғлиқ

ЮРТБОШИМИЗ Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш масаласига алоҳида тўхталди. Дарҳақиқат, мазкур соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровон турмуш тарзини яратиш омили эканлиги ўз исботини топди.

РИВОЖЛАНГАН давлатлар тажрибасидан яхши маълумки, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкил этилиши иш юритишнинг энг самарали усулидир. Яъни, уларда ерга, мулкка эгалик ҳисси ортиб, "меники", деган нуқтаи назар билан муносабатда бўлиш шаклланади, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланилади. Шу боис юртимизда хўжаликлар энг қаровсиз, ҳосилдорлиги паст ерлардан ҳам юқори ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботладилар. Бир сўз билан айтганда, деҳқон ерни боқса — ер элни боқади, деган пурҳикмат жумлалар ҳаётий ифодасини топмоқда. Ҳукуматимиз томонидан уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун яратиб берилган қулай шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий асослар муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Модомики, гап яратилган ҳуқуқий асослар ҳақида борар экан, Фарғона вилояти прокуратураси органлари томонидан ҳам бу борадаги қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Айни масалада 2012 йил ва жорий йилнинг дастлабки чорагида амалга оширган ишларимиз кўлами жуда кенг. Аниқроқ айтганда, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ҳокимлар томонидан қабул қилинган ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳамда аниқланган бошқа қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 3673 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, айбдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Хўжалик судига 3,8 миллиард сўмлик 403 та даъво аризаси киритилди.

Қолаверса, шартнома интизомига оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, яъни айрим тайёрловчи корхоналар мансабдор шахслари томонидан контрактация шартномалари мажбуриятларини бажармаслик оқибатида ўша корхоналарда юқори қарздорлик юзага келиши билан бирга фермер хўжаликлари манфаатларига путур етказилаётганлиги аниқланмоқда.

Масалан, Фурқат туманидаги "Кумуш тола" МЧЖ масъуллари тумандаги "А.Т.Ў. Сардорбек" фермер хўжалиги томонидан 2012 йилда етказиб берилган пилла хомашёсининг 5.418.700 сўмлик ҳақини тўламаётганликлари аниқланган. Фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб киритилган даъво ариза вилоят хўжалик суди томонидан қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органлари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига ер майдонлари, кредит маблағлари ажратилишида, қишлоқ хўжалик техникалари, эҳтиёт қисмлар, таъминотчи корхоналар томонидан эса етказиб берилмаган минерал ўғит, нефть маҳсулотлари, уруғлик чигит, бўғдой етказиб берилишида, иш ҳақлари ўз вақтида тўланишида, 8 та фермер хўжалигининг давлат рўйхатидан ўтишида ҳамда дебитор қарзи ундирилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, "Кўқон нефть база" унитар корхонаси Фурқат филиалига қарашли "Аликулов" номли фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчасида 1830 литр 2,1 миллион сўмлик дизель ёнилғиси талон-торож қилинганлиги аниқланиб, шохобчанинг мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди ҳамда суднинг ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бугун ёшларнинг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода гапирганда, вилоят прокуратураси органларининг ташаббуси билан 10805 нафар битирувчи фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ҳамда бошқа жабҳаларга доимий ишга жойлаштирилди. Шундан 42 нафар битирувчи ёшлар раҳбарлигида янги фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, 102 нафар битирувчи иш билан таъминланди.

Албатта, бу вазифалардан ташқари зиммамизда тизимда юз бераётган ижобий ўзгариш ва янгиликлар ҳамда соҳага оид қонунлар мазмун-моҳиятини халқчил тилда тушунтириш ва тарғиб қилиш масъулияти ҳам бор. Бинобарин, вилоятимиздаги муқобил машина-трактор парклари, фермер хўжаликлари вакиллари билан мунтазам равишда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Зеро, тизимда рўй бераётган янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш уларни янги изланиш ва имкониятлар сари етаклайди. Пировардида, ҳосилимиз янада баракали бўлиб, юртимиз равнақи юксалгандан юксалаверади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва хусусий корхоналар фаолиятини ҳимоялаш борасида Президентимизнинг **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонини алоҳида тилга олиш зарур. Негаки, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш борасида туб бурилиш ясади. Бошқача айтганда, бу тадбиркорларимизга қанот бериб, тараққиётимизга кенг йўл очди.

Фармонга мувофиқ киритилган янгилик шу бўлдики, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлардан ташқари ҳолатларда) улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди. Прокуратура органлари зиммасига эса текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш вазифаси юкланган.

Шунингдек, прокуратура органларининг амалий ёрдами билан 374 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини қайта тиклаши, 110 нафар тадбиркорнинг рўйхатдан ўтказилиши натижасида 706 та янги иш ўрни яратилди. Масалан, Ўзбекистон туманида яшовчи фуқаро Ш.Абдуллаев ўзига тегишли ер участкасига оҳак ва ғишт ишлаб чиқариш учун хумдон қуриб, давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётганлиги аниқланган. Кўрсатилган амалий ёрдам туфайли унинг "Шукуржон Умиджон келажаги" хусусий корхонаси ташкил этилиб, 4 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Вилоятнинг турли ҳудудларида ҳокимлик, СВОЖҲДЛҚҚ Департаменти, адлия, солиқ, банк ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар учун очиқ мулоқотлар ҳам ташкил қилинмоқда. Бу эса тадбиркорларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоялаш ва муаммоларига барҳам беришда қўл келмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар энг улуғ, энг азиз неъматимиз бўлмиш истиқлолнинг меваси-дир. Зеро, бу бизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадимиз сари элтади.

Фарҳод ЗУФАРОВ,
Фарғона вилояти прокурори

Тизим тадбири

Қулай сармоявий муҳит натижалари

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вакиллари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари иштирокида, хорижий инвесторларнинг ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда фаолияти эркинлиги қонуний кафолатларига бағишлаб "Жиззах махсус индустриал зонасининг иқтисодиёт ривожига ҳиссаси" мавзуида семинар ташкил қилинди.

БИР ҚАТОР давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар сингари адлия органларига ҳам хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриш вазифаси юклатилган. Мазкур вазифа юзасидан соҳага оид қонунчилик, унинг қўлланилиш амалиёти борасида мутасадди идоралар ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилган мазкур тадбир мамлакатимизда хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламдаги имтиёзлар ва кафолатларни тушунтирш, мазкур соҳага алоқадор давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини яхшилаш масалаларига бағишланди.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, шунингдек, юртимизда ўзбек-хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг 18 март куни **"Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда Жиззах вилоятида, Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш белгиланди.

Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар, ушбу Фармон билан "Жиззах" МИЗнинг фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилиши белгиланишини ҳамда "Жиззах" махсус индустриал зонаси қатнашчилари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинганлигини атрофлича тушунтириб ўтдилар.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Ўқув-машғулот

Истиқлол неъмати

— МУСТАҚИЛЛИК. Бу улуғ неъмат осонликча қўлга киритилмади. Унинг ҳавоси кўкрагимизга теккунча қанчалаб аждодларимиз шаҳид кетишди, яна қанчалари эса қатағон қилинди. Шунга қарамасдан уларнинг номлари истиқлолга эришгунимизча тилга олинмасди ва авлодларимиз уларнинг ўтмиш тарихидан мосуво қилинган эди, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган навбатдаги ўқув-машғулот қатнашчиси, Ўзбекистон тарихчилар жамияти раиси, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди раиси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Ҳасанов.

Дарҳақиқат, Истиқлолга эришганимиздан сўнг пойтахтимизда ва вилоятлар марказларида Мотамсаро она ҳайкали қад ростлаган Хотира майдонлари, бош кентимизда эса "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи каби кўплаб мажмуа ва музейлар барпо этилдики, бу билан юрт ва миллат шаъни учун курашган аждодларимизнинг номлари тикланди, уларнинг пок руҳлари шод этилди. Юртимизда 9 май Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилиниши ҳам аждодларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг яққол намунасидир.

Баҳс ва мунозарага бой бўлган мазкур тадбир йиғилганларда ўзгача таассурот қолдирди ҳамда аждодларимизнинг номлари яна бир бор улуғланди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Адлия ёрдам берди

Гувоҳнома берилган

аммо, ер ажратилмаган

ДАНҒАРА ТУМАНИДА яшовчи Тўлқинжон Муротовни саккиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида бир масала қийнаб келаётганди. Яқинда Фарғона вилояти адлия бошқармаси мазкур масалани ижобий ҳал этди.

ГАП ШУНДАКИ, 2004 йилнинг 20 августида тузилган баҳолаш далолатномаси ҳамда Данғара тумани ҳокимининг 2004 йил 21 сентябрда қабул қилган "Кимошди" савдосида сотиш йўли билан уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдонлари ажратиш ҳақида"ги 508/9-сонли қарорига мувофиқ туман ҳудудидаги айрим ерлар "Кимошди" савдосига қўйилади. Мазкур савдода Т.Муротов ҳам иштирок этиб, "Сирдарё" ММТПга қарашли, Оқжар ҚФЙ Катта Турк қишлоғи ҳудудидаги ерлардан ажратилган 0,06 гектар майдонни сотиб олади.

"Кимошди" савдоси билан боғлиқ барча тўловлар амалга оширилгач, икки томонлама шартнома имзоланади. Сўнг 2004 йил 29 декабрда Фарғона вилояти давлат мулки бошқармаси томонидан фуқарога ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи 1623-сонли гувоҳнома ҳам берилган. Аммо савдога қўйилган ўша ер ўз эгасига ажратиб берилмаган. Шу боис Тўлқинжон бу хусусда бир неча маротаба туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Лекин орадан саккиз йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳам туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати ҳамда туман архитектура бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли муаммо ечим топмаган.

Унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қилган мурожаати Адлия вазирлиги орқали Фарғона вилояти адлия бошқармасига юборилгач, айни масала бошқарма мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Энг муҳими, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Яъни, унга 0,06 гектар ер ажратилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштириб берилди.

Аҳмаджон ЮНУСОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

"Ишонч телефони"га мурожаат

бесамар кетмади

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

АДЛИЯ бошқармасида ташкил қилинган "Ишонч телефони" вилоят аҳолисининг беминнат кўмакдошига айланиб, ишончига кириб бормоқда. Буни фуқаролар мурожаатидан ҳам билса бўлади.

Жумладан, Пскент тумани ДСЭНМ ходими Н.Мўминжонова марказ раҳбарининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилди.

Бошқарма ходимлари жойига чиқиб ўрганганида, Н.Мўминжонова ДСЭНМда 0,5 ставкада фаррош вазифасида ишлаган. Оилавий шароитини ҳисобга олиб, ДСЭНМ бошлиғи номига тўлиқ ставкага ишга ўтказиш ҳақида ёзган мурожаати кўрилмасдан қолдирилганлиги аниқланди. Ўрганиш давомида Норгул опанинг оиласи кам таъминланган оила эканлиги, боқувчисини йўқотганлиги ва икки нафар вояга етмаган боласи борлиги маълум бўлди ва унга амалий ёрдам кўрсатилди.

ДСЭНМ бош врачининг буйруғига асосан Н.Мўминжоновага 2013 йил 13 апрелдан 1 ставка ойлик маоши белгиланди.

Умиджон РАСУЛОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Юридик таълим тизимидаги юксак сифат ва самара

бу борадаги муваффақият ва такомиллашувни таъминлайди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Абдуманноб РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, юридик фанлар номзоди:

— Дарҳақиқат, бугун юртимизда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга қодир бўлган юридик таълим тизимини янада такомиллаштиришни давр талаб этмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорига мувофиқ Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларараро кенгашнинг ташкил этилиши ҳам ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш учун янги имкониятлар эшигини очди.

Идораларараро кенгашга ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш соҳасида қатор вазифалар юклатилди. Хусусан, Кенгаш давлат органларининг олий ва ўрта махсус маълумотли юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганади, замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади, мамлакатда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик йўналишидаги талабалари ва ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва режаларини ўрганади, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади. Шунингдек, ҳуқуқшунослик фанини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ўрганади ва илмий-тадқиқот ишларининг режаларини кўриб чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилганидек, Президентимизнинг **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонида белгиланган қоидалар, яъни судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, уларнинг стажировка ўташини ташкил қилиш ҳамда ўқиши давомида, уларни асосий иш жойида меҳнат мажбуриятларидан озод қилиш билан бирга, ўртача иш ҳақининг сақлаб қолиниши назарда тутилиши судья кадрлар тайёрлаш ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиши билан бирга, бошқа соҳалар учун ҳам юридик кадрлар тайёрлаш ишларининг такомиллашувига ижобий туртки беради.

Асқар ҒАФУРОВ, Юристлар малакасини ошириш маркази директори, юридик фанлар номзоди:

— Маълумки, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг мустақил босқичи ҳисобланади. Бугунги кунда, мамлакатимизда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими шакллантирилган.

Бу борада 7 та таълим муассасаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, ИИВ, Божхона қўмитасида ҳуқуқшунос кадрлар малакасини ошириш муассасалари фаолият юритиб келмоқда. Бу тизимда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази муҳим ўрин тутади. Бу ерда ҳар йили 2 мингдан зиёд ҳуқуқшунос кадрлар касбий қайта тайёргарлик ва малака ошириш курсларида ўқитилади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, одил судлов самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада Марказни 2013-2015 йилларда комплекс ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш назарда тутилган бўлиб, унинг амалга ошиши Марказнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятининг мустаҳкамланишига, юридик кадрларнинг малакасини ошириш ва касбий қайта тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув жараёнининг янада такомиллаштирилишига олиб келади.

Юқорида қайд этилган Фармон ва қарордан келиб чиқиб, Марказ томонидан судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Биринчи марта судьялик лавозимларига захирага олинганларни қайта тайёрлаш, хусусан, уларни янгича услублар асосида ўқитишни ташкил этиш мақсадида тегишли ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Ўқув дастурларида қонунчиликдаги янгиликлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқшуносликдаги янги назарий асослар, суд этикаси ва психологияси, нотиқлик маҳорати, экспертиза ютуқлари, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартлари, сиёсий-ҳуқуқий қарашлар ва бошқа шу каби муҳим йўналишлар ўз аксини топган.

Марказ тингловчиларининг амалий кўникмалари кўп жиҳатдан уларга таълим бераётган профессор-ўқитувчиларнинг ихтисослиги, малакавий кўникмаси, илмий салоҳияти ва касб маҳоратига боғлиқ. Шу жиҳатларини инобатга олиб, ўқув жараёнига Марказнинг 25 нафар профессор-ўқитувчиси билан бирга 200 га яқин катта тажрибага эга бўлган амалиётчи мутахассислар ҳам жалб этилмоқда.

Олим ОҚИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар доктори:

— Юқорида айтилганидек, соҳада кучли ва мустаҳкам ҳуқуқий базани шакллантиришга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди. Бу борада Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"**, Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"**ги Фармони ва 2005 йил 18 октябрь Қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистонда юридик журналлар тизимини ривожлантириш Концепцияси"**, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида"**ги қарори ва 2012 йил 23 июлдаги қарори билан тасдиқланган **"Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идораларараро кенгаш тўғрисида"**ги Низом ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу қонун ҳужжатларини ижро этиш эса ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшунос кадрларнинг ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданияти юксаклиги билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги ҳуқуқшунос кадрларимиз сифати ва малакаси, касб маҳорати даражаси замон талабларига, ҳуқуқшунос кадрларга қўйилаётган халқаро стандартларга, қолаверса, халқимизнинг эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бериши зарурлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Жаҳонгир БОБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди, доцент:

— Фикр-мулоҳазалар, қизғин баҳслардан кўриниб турибдики, бугуни давра суҳбати ғоятда долзарб масалага бағишланган. Президентимизнинг **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да таъкидланганидек, **"жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Шу сабабли бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди"**.

Мухбир изоҳи:

Шунингдек, тадбирда ўқув жараёнини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф-тавсиялар ҳам билдирилди.

Хусусан, тадбир иштирокчилари томонидан эътироф этилганидек, бугунги ҳуқуқшунос, аввало, миллий қадриятларни билиши, замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга, айни вақтда хорижий тенденциялардан ҳам бохабар бўлиши лозим. Шу маънода ҳуқуқшунос олимларимизнинг таклиф ва тавсиялари келгусида соҳани янада такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

Бинобарин, давра суҳбатида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқшунос кадрларни, шу жумладан, мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада яхшилашга қаратилган таклиф-тавсиялар келгусида замон талабига жавоб беришга қодир малакали ҳуқуқшунос кадрлар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

"Инсон ва қонун" мухбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА ёзиб олди.

Талқин

Экологик таҳдидларнинг олдини олишда

аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик таълим-тарбияси, маданияти ҳал қилувчи омил саналади

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ "Обод турмуш йили", деб номланиши экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни замон талаби даражасида олиб борилишини ҳам тақозо этади.

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда ёшларнинг экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияси масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 22 та бевосита, 50 дан зиёд билвосита экологик йўналишдаги қонунлар ва 4000 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу қонун ҳужжатларининг асосий мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик илм-фанни ривожлантириш, экологияга оид билимларни кенг тарғиб қилиш, табиий тизимларни, уларнинг биологик ранг-баранглигини ҳамда ўзини-ўзи тўғрилаш қобилиятини сақлаш ва қайта тиклаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий методларини жорий этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳит ифлосланиш даражасини камайтириш, табиий муҳитни сақлашни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга қаратилади. Янгича экологик-ҳуқуқий тафаккурни, маънавият ва маданиятни шакллантиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 29 майда қабул қилинган **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман олганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёни экологик ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан боғлиқ бўлиб, у:

биринчидан, экологик ҳуқуқий билим, яъни инсоннинг табиат тўғрисидаги, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар, табиат билан боғлиқ қарашлар ҳамда урф-одатлар тўғрисидаги тасаввур ва кўникмалар йиғиндиси;

иккинчидан, экологияга бўлган муносабат, яъни ҳозирги кундаги экологик муаммоларга нисбатан бефарқ бўлмаган, табиий муҳитнинг ёмонлашувига қарши бўлган ва уни бартараф этиш йўллари ҳамда чораларини топишга тайёрлик;

учинчидан, экологик ҳуқуқий хатти-ҳаракат, яъни ҳар кунги экологик хулқ-атвор элементларини ўз ичига олади.

Ушбу талаблар, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида **"Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар"** ва 55-моддасида **"Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир"**, — деб кўрсатилгани ҳам оилада экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришда алоҳида аҳамият касб этади. Демак, ушбу муаммони ҳозирги кун талаби даражасида олиб боришни Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва **"Таълим тўғрисида"**ги Қонун ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистондаги 6,5 миллиондан ошиқроқ оилалар олдига мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда қўйилган бир қатор талаблар, умумий таълим ва тарбиянинг асосий бир бўлаги сифатида ҳуқуқий таълим ва тарбияни экологик таълим ва тарбия билан қўшиб олиб бориш масаласини қўймоқда. Чунки дастлабки таълим ва тарбияни олиб бориш жараёни оилада вужудга келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия бериш мақсадида Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда тасдиқланган қарори билан (2005 йил 7 ноябрда №242/33/79-сонли) "Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари" дастури ва Концепцияси ишлаб чиқилган.

Шу маънода алоҳида таъкидлаш ўринлики, юқоридаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни замон талаби даражасида поғонама-поғона олиб боришни тақозо этади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш ўринли, деб ўйлаймиз:

ёшларда экологик ҳуқуқий таълим-тарбиянинг узлуксизлигига, чамбарчас олиб борилиши ва ўқитилишига ҳамда оилада олинган экологик ҳуқуқий билимлар самарадорлигига эришиш;

амалдаги "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунларга "Ёшларга экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш" билан боғлиқ алоҳида боб ва моддалар киритиш ҳамда унда оиладаги экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнини алоҳида кўрсатиш;

ёшларга экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш соҳасида тегишли вазирлик, қўмита ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

қабул қилинган экологик ва аграр қонун талабларини ҳамда уларнинг моҳиятини аҳолига ва оилада ёшларимизга кенгроқ тушунтириш;

талаба ёшларга экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия беришда акмеологик ҳамда валеологик хусусиятларни инобатга олиш;

халқаро стандартларга мос ҳар томонлама экологик-ҳуқуқий билим бера оладиган замонавий ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг **"Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз"**, — деган сўзлари оилада экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб бориш ҳамда унинг узлуксизлигини таъминлашда замонавийлик ва хорижий тажрибалардан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Демак, нафақат ўқув муассасаларида ёки жамиятда, балки оилада ҳам ана шундай кенг миқёсли тадбирларни олиб бориш ёшларимизда ҳуқуқий-экологик тафаккурнинг янги замонавий ҳолатини шакллантиришга, экологик-ҳуқуқий маънавият, маданият ва тафаккур асосларини барпо этишга катта ҳисса қўшади. Оилада болаларга ҳуқуқий-экологик таълим-тарбия бериш уларнинг келажакда масъулиятли, жонкуяр ва табиатни севадиган инсонлар бўлиб етишишига ҳамда оилани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ, ТДЮИ кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор

Фаолият

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни

турли хил талқинлар ва тушунмовчиликларга олиб келмаслиги лозим

БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМКИ, Конституциямизнинг 104-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси ҳамда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонуннинг 22-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

2013 йил 1 февралда Адлия вазирининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) қабул қилинди.

Бунда, ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ва Ҳукумат қарорларига, шунингдек, қонунчилик техникасига мувофиқлигини текшириш назарда тутилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар лойиҳаларини тайёрлашда, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда қуйидагилар эътиборга олиниши лозим:

— маҳаллий давлат ҳокимияти органлари — халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари (вакиллик органи) ва ҳокимларнинг (ижроия органи) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қарор шаклида қабул қилинади;

— **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади;

— маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис, республика Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилиниши лозим ва ҳоказо.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайдиган** ҳужжатлари якка тартибдаги ҳужжатлар ҳисобланиб, уларга қуйидагилар киради:

шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимидан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиал органлар таркибини тасдиқлаш, фахрий ёки ҳарбий унвонлар бериш, муайян шахсларга имтиёзлар бериш ва бошқа шу кабилар);

амал қилиши бир марта қўллаш билан тамом бўлувчи;

тезкор-фармойишли тусдаги (бир марталик топшириқлар) ҳужжатлар.

Тақдим қилинган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш зарурлиги юзасидан шубҳа туғилган ҳолларда, бундай лойиҳалар Адлия вазирлигининг ҳудудий органларига тақдим этилиши лозим. Ҳужжатнинг ҳуқуқий ҳолати бўйича якуний қарор ҳудудий адлия бошқармалари томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилганидан кейин қабул қилинади.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайдиган қарорлар лойиҳалари ҳуқуқий нормаларга эга бўлмаслиги, улар ҳуқуқий нормаларни қўллашга қаратилган бўлиб, индивидуал мазмунга ва бир марталик характерга эга бўлиши лозим. Бундай қарорлар лойиҳаларида ҳатто битта ҳуқуқий норма ўрнатилган бўлса ҳам улар, албатта, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Қулайлик

МАМЛАКАТИМИЗДА нотариал идораларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган нотариал хизматлар сифатини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Инфраструктурани яхшилаш хизмат сифатини оширади

"Обод турмуш йили"да Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан Самарқанд тумани 2-сон давлат нотариал идораси янги биносининг фойдаланишга топширилганлиги юридик хизмат сифатини оширишга хизмат қилади. Бинода нотариал ҳаракатларни амалдаги қонунчилик асосида расмийлаштириш учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига кирувчи давлат ФХДЁ ва нотариал идоралари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича мўлжалланган Дастурга асосан қуриб битказилган мазкур замонавий иншоот қурилиши учун 160 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бино очилишида сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби адлия органлари соҳасини такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор, амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари мужассамлашганлиги ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлигини қайд этдилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2012 йил 20 сентябрдаги №220-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "YUNUSOBOD ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Мадаминова Фатима Аҳадовнага 2009 йил 3 июнда берилган TN №000286 рақамли лицензиянинг ва 2009 йил 30 июнда берилган 120-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 23 апрелдаги №107-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "SHAYHONTOHUR ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Бахшулло Наврузов вафот этганлиги сабабли Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 2 июнда берилган TN №000245 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 23 апрелдаги №107-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "SHAYHONTOHUR ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Санобар Эргашева вафот этганлиги сабабли Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 2 июнда берилган TN №000251 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 24 апрелдаги №109-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ES JURIDICAL SUPPORT" адвокатлик фирмасининг адвокати Юлдашева Зумрад Анваровнага 2009 йил 24 июнда берилган TN №001033 рақамли лицензиянинг ва 2009 йил 30 июнда берилган 589-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 майдаги №121-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "GOLD YUSTINA" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Абасов Александр Ибрагимовичга 2009 йил 29 июнда берилган TN №001109 рақамли лицензиянинг ва 2012 йил 30 июлда берилган 2291-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 майдаги №120-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ANVAR-YURKONSALT" адвокатлик бюросининг адвокати Бабакулов Анвар Ибрагимовичга 2009 йил 5 июнда берилган TN №000603 рақамли лицензиянинг ва 2009 йил 29 июнда берилган 579-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Фарғона шаҳридаги "Ҳаёт" адвокатлик фирмаси адвокатлари Исаков Абдували Тургунович *(лицензия 21.09.2012 йил FE №000228, адвокатлик гувоҳномаси №253, 08.10.2012 й.)* ҳамда Курбанова Феруза Ашираливна *(лицензия 03.06.2009 йил FE №000022, адвокатлик гувоҳномаси №118, 30.06.2009 й.)* Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13'-моддаси, 1-қисмининг 6-бандига ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 майдаги 128-ум-сонли буйруғига асосан адвокат мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13'-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 18-банди ҳамда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 майдаги 35-ум-сонли буйруғига асосан Джураев Курбанпулат билан "Мадал" адвокатлик фирмаси ўртасидаги меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунга ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар тўхтатилди.

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 майдаги 42-ум сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "Жаҳонгир" адвокатлик бюроси адвокати М.Қўбилова 2009 йил 3 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ №000004 сонли лицензиянинг амал қилиши суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар тўхтатилди.

25 май – Кимё саноати ходимлари куни

Муваффақиятлар "формула"си

"Навоийазот" ОАЖ мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқда

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҳақида гап кетгудек бўлса, биринчи галда бу минтақанинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида тутган ўрни ва аҳамияти тилга олинади. Иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган улкан саноат корхоналаридан бири сифатида "Навоийазот" очиқ акциядорлик бирлашмасининг ўрни ҳам муҳим. Бундан салкам 50 йил муқаддам — 1964 йилда чўл бағрида бунёд этилган ишлаб чиқариш бирлашмасининг довруғи бугун маниаман деган давлатларга тарқалишини ўшанда ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган.

Дастлабки маҳсулот сифатида аммиакли селитра ишлаб чиқарилган мазкур корхона 2002 йили "Navoiyazot" очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди ва бугунги кунда Менделеев жадвалидаги барча элементлардан иборат, ноёб кимёвий бирикмалар, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, электроника, тиббиёт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган улкан корхонага айланди.

Корхонада аммиакли селитра, сунъий нитрон толаси, сирка кислотаси, хлор, каустик сода, формалин, метанол, аргон гази, кислород каби 130 турдаги камёб ва қимматбаҳо кимёвий маҳсулотлар тайёрланиб Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Эрон, Покистон, Туркманистон, Болтиқбўйи давлатлари, Болгария ва бошқа бир қатор мамлакатларга экспорт қилиниши йўлга қўйилган.

"Навоийазот" тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нафақат ҳажми, балки сифати ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Корхонада ўтган йилнинг ўзида 500 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мавжуд 70 дан ортиқ цехларда 2010-2012 йиллар мобайнида 1 триллион 214 миллиард 122 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги "Навоийазот"дек улкан корхонанинг юксак салоҳиятини белгилаб турибди.

Акциядорлик жамияти ҳаётида истиқлол йиллари ижобий ва ижодий изланишлар йиллари бўлди. Корхонани техник жиҳатдан модернизация қилиш ишлари самарали давом эттирилмоқда. 2012 йилда аммиакли селитра цехи қайта реконструкция қилиниб, унда азотли фосфорит ўғити ҳам ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда ижтимоий масалалар ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ободонлаштириш ишлари ҳавас қилса арзигулик.

"Навоийазот" жойлашган ҳудудни бир қарашда кимёгарлар шаҳарчасига қиёслаш мумкин. Чунки бу ерда завод ҳовлиси атрофидаги боғлар, гулзор, ишчилар учун ишлаб турган кичик бозор, ошхона, корхонага қарашли 100 ўринли даволаш-профилактика мажмуаси, чет элдан келтирилган замонавий тиббиёт асбоблари билан жиҳозланган 120 ўринли сиҳатгоҳ, "Кимёгар" ўйингоҳи, ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини соғломлаштиришга мўлжалланган "Офтобжон" болалар оромгоҳи, иссиқхона, "Ширин" маданият саройи, босмахона, корхона кўзгуси ҳисобланган "Навоийский химик" ҳафталик газетаси, радиоредакция, хуллас, буларнинг барчаси кимёгарлар учун.

Корхонада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Обод турмуш йили" Давлат дастурини бажариш доирасида ҳам эътирофга арзигулик ишлар амалга оширилди. 60 нафар ишчи-ходимга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига "Қишлоқ қурилиш банки" томонидан имтиёзли ипотека кредити олиш учун корхона томонидан 2,7 миллиард сўм бошланғич тўлов маблағлари берилди. 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи ва пенсионерлар сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди. 67 нафар ишчи-ходим фарзандларининг олийгоҳларда ўқишлари учун 148 835 746 сўм контракт маблағлари тўлови амалга оширилди.

Корхонада касб-ҳунар коллежлари битирувчи ёшларини ишга жойлаштириш борасида ибратли тажриба тўпланган.

— Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги томонидан корхонамизга Навоий индустриал-иқтисодиёт ҳамда Навоий техника-иқтисодиёт коллежлари бириктирилган бўлиб, — дейди кадрлар бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Холмуродов, — битирувчиларни ишга жойлаштириш учун уч томонлама шартнома тузиш бўйича корхонанинг етакчи мутахассисларидан тузилган махсус комиссия иш олиб бормоқда. Мазкур комиссия томонидан жорий йилда ҳам ишлаб чиқариш амалиётида фаоллик кўрсатган, пухта назарий билимга эга бўлган интилувчан ўқувчилардан 200 нафари танлаб олиниб, улар учун иш ўринлари тайёрланди.

Талабаларга дипломолди амалиёти учун 6 342 977 сўм, овқатланиш учун эса 7 069 602 сўм маблағлар тўланиши таъминланганлиги ёшларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка ҳамоҳангдир.

Нурота тумани ҳудудида яратилаётган 100 гектарлик интенсив боғ, XIV асрда Кармана туманида яшаб, фаолият юритган азиз авлиёлардан бири Нақшбандия тариқати асосчиси Шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг иқтидорли шогирдларидан бири сифатида аждодларимиз қалбидан чуқур жой олган Шайх Нуриддин Раҳмоннинг қабрини обод қилиш ва мақбара ўрнатиш каби хайрли ишлар ҳам довруғи етти иқлимга кетган корхонанинг шарафли тарихига ёзилган эзгу амаллардан биридир.

Кимёгарлар бу йилги касб байрамларини ана шундай хайрли тадбирлар ва ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Суратларда: корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва даволаш профилактика мажмуаси.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нукус шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нукус шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахиатош шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қораўзак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро вилояти
Бухоро туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилояти
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Навоий вилояти
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилояти
Фарғона шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқўприк туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилояти
Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бекобод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йиғирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаросси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 20 июнь)

Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Танлов мавзуси:* "Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш".**

Танловга Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштириш;

— мини технологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

— ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш борасидаги ишларнинг кўламини янада кенгайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианти funduz@parliament.gov.uz; fundnno@parliament.gov.uz электрон манзилига;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп қилинган кундан бошлаб, 2013 йил 1 июнь соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: 239-26-76, 239-26-64.

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки (ОАЖ)

қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"НАВРЎЗ – 2013" *Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди! Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Учтепа туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси Ҳабиб Тошевга отаси **Ҳаким ТОШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Юристлар малакасини ошириш маркази жамоаси марказнинг катта ўқитувчиси Мукаррам Ортиқовага акаси **Иброҳим НОРОВ**нинг вафоти муносабати чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳридаги 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Фурқат Нарзуллаевга онаси **Фазилат ая МУҲИДДИНОВА**нинг вафоти муносабати чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН 1996 йилнинг январидан нашр этилади

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Муҳаммаджонов Омонулла, Кўчқор Тоғаев, Зокирович, Турсунов Тўлқин Мирзаевич, Султонов Алимқул Тошбекович, Очилов Алижон Мухлисович, Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-7170. **Тиражи — 22416.**
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5